

METHODS OF APPLYING QUALITY II TO STUDENTS IN THE CLASSROOM

Karimova Gulshod Mamatkadirovna

(O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar

vazirligi akademiyasi filologiya fanlari nomzodi, dotsent)

Annotation:

The article discusses methods of applying quality II to students in the classroom.

Keywords: vocabulary, translation process, quality II, identifier, grammatical problems, translator skills.

Ажратилган аниқловчи вазифасида сифатдош II ни таржима қилишда кўп грамматик муаммолар келиб чиқади. Бунга сабаб ўзбек тилидаги сифатдош аниқловчи вазифасида келса аниқланмишдан кейин келмайди. Шунинг учун инглиз тилидаги сифатдош II кўпинча ўзбек тилига кесим вазифасидаги феъл, сода гап, қўшма гап, баъзан равишдош билан таржима қилинади:

... he painted the models who hung about the stairway of Bernini in the Piazza di Spagna, *undoubted* by their obvious picturesqueness.

... у римликларнинг Испания майдонидаги зинапояда ўтирган ҳолда суратини чизар экан, уларнинг инкор этиб бўлмас гўзаллигига ўзи *лол қоларди*. (кесим)

But I thought that was perhaps no more than a natural reserve *accentuated* by the verbose frankness of her husband.

Балки у табиатан ўзи шундай камгап ва унинг бу сифати эрининг ҳаддан ташқари сафсатабозлиги билан янада яққол *кўзга ташланар* деб ўйлардим. (сифатдош)

I stood apart, somewhat *embarrassed* by the domestic scene.

Бу оилавий можародан ўзимни бир мунча *ўнғайсиз ҳис қилиб*, бир тчеккада турардим. (равишдош)

He sat in the studio silent, *occupied* with God knows what dreams.

У устахонада жим ўтирар, хаёли худо билади қанақа ўйлар билан *банд эди*.

He had a deep resonant voice, *fitted* to his massive frame.

Унинг паст жарангдор овози улкан гавдасига *ярашиб турарди*. (кесим)

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики кўпчилик ҳолларда ажратилган аниқловчи вазифасидаги сифатдош II кесим вазифасида келган феъл билан таржима қилинар экан.

Сифатдош II гапда **ҳол** вазифазида келса кўпинча умумий бир қолип воситасида таржима қилинади.

Сифатдош II гапда *пайт ҳоли* вазифасида келса ўзбек тилига ҳол вазифасидаги сифатдош билан таржима қилинади:

He bowed low *when presented* to Dr. Coutras.

Уни доктор Кутрас билан *маништиришиганда* ерга эгилиб таъзим қилди.

Лекин баъзан бундай қолип сифатдош II ни таржима қилишга мос келмай қолади. Бунда бошқача грамматик воситалар орқали таржима қилишга тқғри келади:

He spoke *when spoken to*, politely and without much relevance.

Унга *гапиришига* хушмуомилалик билан жавоб берар, лекин тайинли гап айтмасди. (шарт майлидаги феъл)

When shot, Mrs Doran apparently taking a walk.

Афтидан Миссис Доран сайр вақти *отиб ўлдирилган*. (кесим)

When asked, Strove answered that he was planning to return to his fatherland.

Саволимга, Струв отаюртига қайтиб кетмоқчи эканлигини айтди. (тўлдирувчи)

Юқоридаги мисолларнинг ҳар бири ўзига хос усулда таржима қилинган. Биринчи гапда шарт майлидаги феъл билан таржима қилинган. Иккинчи гапда сифатдош II билан таржима қилинган. Учинчи гапда сифатдош II тўлдирувчи билан таржима қилинган. Ўзбек тилида союз сўз туркумининг йўқлиги туфайли эллиптик қурилмадаги *when* союзини таржима қилиб бўлмайди. У ҳолда фақат сифатдош *ва* –да қўшимчаси ёки вақтда сўзидан фойдаланиб таржима қиламиз:

She is terror *when roused*.

Жаҳли чиққанда у жуда кўрқинчли ҳолатга келади.

Агар сифатдош II гапда **шарт ҳоли** бўлиб келса, кўпинча ўзбек тилига *шарт эргаши гапли қўшма гап* ёрдамида таржима қилинади:

If left to myself, I should infallibly let this chance slip.

Ўзимга қолса, бу имкониятдан ўйлаб ўтирмасдан воз кечардим.

Сифатдош II гапда **ўхшатиш ҳоли** вазифасида келса, ўзбек тилига *сифатдош* *ва* –дай, –дек қўшимчалари ёки *гўё* боғловчиси орқали таржима қилинади:

For a moment the trio stood *as if turned to stone*.

Бир сония учовлон *тошга айлангандек тўхтаб қолди*.

Сифатдош II гапда **тўсиқсиз ҳол** вазифасида келса ўзбек тилига *тўсиқсиз эргаши гапли қўшма гап* ёки гапда ҳол бўлиб келган «бўлсада» феъли орқали таржима қилинади.

Mrs Strickland, *thought not personally well-known* in the county, had been spoken well off by all men.

Миссис Стрикленд графликда алоҳида *ном чиқарган бўлсада*, кўпчилик у ҳақда яхши гапирар эди.

... her spirit, *thought crushed*, was not broken.

... унинг руҳи тушкун ҳолатда бўлсада, чукмаган эди.

Сифатдош II инглиз тилида союз ва предлог бўлиб келиши мумкин. Бундай сифатдошлар таржимаси муқим бўлиб, луғатларда бундай сифатдошлар таржимаси берилади:

Provided, granted сифатдошлари союз бўлиб келади. Бундай сифатдошлар «агар, шарт эргаш гапли қўшма гап» орқали таржима қилинади:

I will give you my book, provided you return it in time.

Agar kitobimni vaqtida kaitarsang beraman.

Given предлоги ўзбек тилига «агар... бўлса» шарт эргаш гапли қўшма гап ёрдамида таржима қилинади:

Given the conflicts is inevitable, we need to learn how to manage it.

Агар келишмовчилик юзага келса биз унинг олдини олишни ўрганишимизга тўғри келади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики сифатдош II гапда предлог ва союз бўлиб келса ўзбек тилига эргаш гапли қўшма гаплар ёрдамида таржима қилинади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Barkhudarov L.S. "Language and translation" M.1975.
2. Vanikov Y.V. "On the Unified Complex of Translation Disciplines" (Issues of Theory and Translation Techniques), Ed. A.G. Nazaryan. M., 1970.
1. Komissarov V.N. "Questions of the Theory of Translation of Foreign Linguistics" (collection of articles) Moscow, 1978.
2. Komissarov V.N. "Linguistic foundations of scientific and technical translation" (manual on scientific and technical translation) M., 1980.
3. Latyshev L.K. "The course of translation" (equivalence of translation and the way to achieve it), M., 1981.
4. Minyar-Beloruchev R.K. "General Theory of Translation and Interpreting", Moscow, 1980.